

МАМПАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июль куни Туркиянинг «Эка» иқтисодий хабарлар агентлиги соҳиб, шу номдаги журнал ношири Мухаррам Узгүвени қабул қилди.
- Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам «УэдЭуавто» заводи ишга тушиши муносабати билан Президент Ислам Каримовни муборакбод этган мактуб йўлади.
- Борис Ельцин ўзининг Россия Федерацияси Президенти лавозимига сайлангани муносабати билан Президент Ислам Каримов йўлдан мактуби учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорчилик билдирган жавоб мактуби йўлади.
- Сурхондарё вилояти ғаллакорлари давлатга 183 минг тонна ғалла топшириб, давлат буюртмасини бажардилар. Ҳосилдорлик 30 центнерни ташқил этди.
- Америка Халқаро тараққиёт агентлиги — ЮСАИД делегацияси Хоразмда бўлиб, Хива қадимий ёдгорликларини зىбрат қилдилар, турли корхоналар фаолияти билан танишилдилар.
- Тошкентда БМТнинг Марказий Осиё ва Озарбайжон учун нуфус масалаларини ўрганиш — ЮНФПА ҳамғармасининг ваколатхонаси очилди.

ҲАМДУСТИКДА

- Киевда «Украина — Ўзбекистон» дўстлик жамияти тузилди. Бу ерда, шунингдек, «Украина — Ўзбекистон» савдо йўли ҳам очилди.
- Россия иқтисодий тараққиёт агентлиги тўғрисидаги хабарлар ўз тасдиғини топмапти. 1996 йил биринчи ярми якулига кўра Россияда янги ички маҳсулот ҳажми беш фоизга камайганлиги маълум бўлди.
- Белоруссия Президенти Александр Лукашенко тadbirkorлар билан учрашувда сўзга чиқиб, Россияни икки мамлакат ўртасидаги ахдлашувларга риоя этишга тавсия қилди, хусусан чет эллардан келтириладиган моллар учун бож тўловлари миқдорини оширмаётганликда айблади. Беларуссия ўз ишлаб чиқарувчилари манфаатини ҳимоя қилиш учун ягона боғжона иттифоқида бўлган Россиядан ҳам чет элдан келтириладиган моллар учун бож тўловларини оширишни талаб этапти.
- Ашхабадда ўтган ҳафта эришилган ахдлашувларга қарамадан Тожикистоннинг Тавилдар туманида ҳукумат қўшинлари ва муҳолифатчилар қуролли бўлинишлари ўртасидаги тўқнашувлар тўхтамапти. Ут охириги тўқнашувлари тўғрисидаги битимга риоя этилмаётганида томонлар бир-бирини айбламқодалар.
- Туркманистонда миллий валюта муомаласи киритилгандан буюн ўтган даврда унинг қиймати АКШ доллариغا нисбатан минг баробардан кўпроққа арзонлашди.

ХОРИЖДА

- Жакартада Осиё — Тинч океан минтақасида ишончли ошириш, тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш масалаларига бағишланган анжуман давом этмоқда. Унда Осиё — Тинч океани минтақавий ташкилоти — АСЕАНга аъзо бўлган давлатлардан ташқари АКШ, Россия, Япония, Ҳиндистон, Хитой ташқи ишлар вазирлари, шунингдек, Европа Иттифоқи вакили иштирок этмоқда.
- Хитой ядро қуролларини янги таъқиқлаш тўғрисидаги шартнома имзолангунга қадар шу йил сентябрь ойида яна бир марта ядро синови ўтказишни режалашганлигини расман маълум қилди.
- Бугун Беларуссия Президенти Александр Лукашенконинг Туркияга расмий ташрифи бошланди. Унинг Туркия Президенти Сулаймон Демирел билан музокаралар ўтказиши, ўзаро ҳамкорлик юзасидан бир қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.
- Украина Бош вазир Павел Лазаренко ўзининг хориждаги биринчи сафарини Болгариядан бошлади. Бугун ниҳоятга етганда бу икки кунлик ташриф давомида Болгария — Украина савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.
- Албаниянинг Бош вазир Александр Маки мамлакатда хусусийлаштириш суратлари оширилиши, Албания НАТО, Европа Иттифоқи интеграцияшдан манфаатдорлиги тўғрисида баёнот берди.
- 20 июлда Бурундиди қочқарлар бошлана топган жойда исёвчилар томонидан дахшатли қатғор қилинди. 300 киши, асосан хотин-қизлар ва болалар ана шу оммавий қотиллик қурбони бўлдилар.

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ШИЖОАТИНГИЗГА ТАСАННО, ЙЎЛСОЗЛАР

Келажакка юз тугган шаҳар

Суратли лавҳа


Ушбу лавҳамизни ҳамшаҳарларимизга бир хушхабарни етказишдан бошламоқчимиз. Хабарингиз бор Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган жойда улкан ер ости қурилиши ва Амир Темур кўчасининг «Қозғистон» кинотеатри ҳамда «Дўстлик» меҳмонхонаси оралиғидаги магистрал йўлни қайта қурилиши сабабли бу масофада транспортлар қатнови тўхтатиб қўйилган эди. Айниқса «Олой» бозори ва шаҳримиз марказига олиб борувчи 25, 28-трамвайларнинг бу йўлдан қатнамай қўйилгани Юнусобод аҳолиси учун бирмунча қийинчилик туғдирётган эди. Йўлсозларнинг гайрат ва шижоати билан трамвай йўли тезда таъмирланиб, қуриб битказилди. Шаҳримиздаги 704-қурилиш-монтаж поездининг йўлсозлари ушбу масофадаги юмушларни муддатидан илгари бажаришди.

рамиз, — дейишмоқда йўлсозлар.

Магистрал йўлнинг иккинчи томони қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Фақат метронинг Қодирий — Минор йўналишидаги ер ости йўли ва Абдулла Қодирий бекати қурилиши йўлсозларнинг қўлини ушлаб турибди.

Биз метро қурилишининг шу участкасида бўлиб, лаҳмчилар билан суҳбатлашдик. Участка бошлиғи Борис Мухин бу ерда тўртта бригада ишлаётгани, улар уч сменага бўлиниб, кеча-кундуз тинимсиз меҳнат қилаётгани, шу ҳафта охиригача участкада лаҳм ишлари ниҳоятга етишини гапириб берди. Бу ишда айниқса Йўлсоз Азаматов, Хотам Сулаймонов, Рашид Зарипов, Искандар Аблаевлар ибрат кўрсатишган экан.

Ниҳоят мазкур лавҳамизнинг бош мавзуси бўлган Абдулла Қодирий кўчаси бўйлаб ўтаётган ер ости йўли қурувчилари хузурига етиб келдик. Улкан қурилиш майдонига айланган бу жойда 400 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Қурилишга 7-кўприк қурилиши трестининг 13-кўприк қурилиши отряди бош



лади. Уларнинг ҳар бири уч йўналишда бўлади. Масалан, бири қатновчи йўл, иккинчиси, метро бекатига олиб борадиган йўлқач, учинчиси эса ер усти транспортлари бекатига олиб чиқадиган йўллардан иборатдир, — дейди муҳандис Зоиғон Қажороров бизга. — Бунинг устига кўприкнинг устки қисмидан икки томонлама транспорт қатнови учун йўл қурилмоқда. Жанубий ва Шимолий йўналишлар деб аталувчи бу йўлларнинг бири Амир Темур кўчасидан Ҳамид Олимжон майдони томон йўналида. Иккинчиси эса Ҳамид Олимжон майдони томонидан келган транспортларни Амир Темур кўчасига олиб чиқади. Ер ости йўлининг узунлиги 810 метрни ташқил этади. Бу шаҳримиздаги масофаси жиҳатидан энг катта йўл демакдир. Қурилишда бир зум меҳнат жараёни тинмайди. Чунки иш икки сменада олиб борилмоқда.

Ер ости йўли қурилишида нафақат тошкентлик бунёдкорлар, балки республикамиз вилоятларида келган мутахассислар ҳам қатнашмоқдалар. Улар жумласига Андижон, Сурхондарё, Бекobodдан келган кўнгилчиларни киритиш мумкин. Масалан биргина Андижоннинг 68-кўприк қурилиш отрядидан 50 дан ортиқ ишчи катнашмоқда. Уларга Акромжон Парпиев бошчилик қилапти.

Қурувчиларга яратилган шароитлар билан қизикдик. Қийин-қинанадаги хона, душхона, чойхона улар хизматига. Уларга шу ернинг ўзида икки маҳал (ҳар бир смена учун) исик овқат тайёрланади. «Ором-А» охионаси хизматчилари томонидан тайёрланаётган таомлар сифатидан хўрандалар хурсанд. Бу ерда кўпгина миллий таомлар пиширилиб, қурувчиларга тарқатилади.

Сафаримиз ниҳоятини ер ости қурилиши лойиҳаси билан танилишди. У Тошкент метро лойиҳа институти хизматчиларининг ижодий изланиши маҳсули экан.

Улкан қурилишда бунёдкорлик ишлари бирин-кетин ниҳоятга етмоқда. Бугун-эрта шу йўлдан трамвайлар қатнай бошласа, кўп ўтмай қўчаннинг биринчи қисмидан машиналар юра бошлайди. Бунёдкорлар ўзларининг аънаваний байрамлари — қурувчилар кўни шарафига ҳам муносиб совғаларини тайёрлаб қўйишди.

Умуман-ер ости йўли қурилиши Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллик тантаналари арафасида тўла фойдаланишга топширилади. Ана шунда бу йўлдан ўтган ҳар бир меҳмон мезбон қурувчилар хизматига қойил қилиб, улар меҳнатига таҳсинлар айтади.



Мақсуд ҚОБИЛЖОНОВ.
СУРАТЛАРДА: Амир Темур кўчаси ва унинг ер ости йўли қурилишидан лавҳалар.
Рустам Шарипов олган суратлар.

Бугун-эрта бу оралиқда трамвайлар қатнай бошлайди, — дейди бизга қурилиш бригадари Мухиддин Сулаймонов. — Жамоамизнинг 16 кишилик аъзолари ўз зиммаларига топширилган вазифани аъло даражада ундашди.

Хозир Амир Темур кўчасига «Дўстлик» меҳмонхонаси олдида қараган киши бир зумдаёқ бу ердаги мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади. Бор-йўли бундан олти ой олдинги йўл бугунги кунда кенгайиб, икки томонлама транспорт ҳаракатига мослаштирилди.

Айниқса, «Олой» бозори атрофи одамлар билан гавжум бўлгани учун транспорт ҳаракатида қийинчилик туғилар,



бирор ҳодиса рўй берса машиналар қатнови тўхтаб қоларди. Шунга ҳисобга олиб, йўл кенгайтирилиб, трамвай изи ўртага олинди, — дейди биз билан суҳбатда йўл қурилиши трестига қарашли 851-қурилиш бошқармаси механиги Абдуфаттоҳ Эргашев.

Кўчаннинг «Дўстлик» меҳмонхонасидан ер ости йўли ўтаётган масофагача булган чап томон қисми кафетда текисланиб, биринчи асфальтдан қазирилибди. «Қозғистон» кинотеатридан кўприқкача бўлган оралиқ ҳам худди шундай қўришилди.

— Бугун-эрта ер ости йўлининг устки қисми қўлдан чиқарилса, йўлнинг бир томонини транспорт қатнови учун топши-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитларида иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини янада кучайтириш ва ишларнинг пировард натижалари учун масъулиятни ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

- 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб бошлангич разряднинг ойига 600 сўм миқдоридagi тариф ставкаси Ягона тариф сеткасига асос қилиб олинсин ва янги тариф коэффициентлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 мартдаги 103-сон қарорига илова 1996 йил 1 сентябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
23 июль, 1996 йил.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 23 июлдаги қарорига илова

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг Ягона тариф сеткаси

Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари	Тариф коэффициентлари
0	1.000	12	3.581
1	1.450	13	3.808
2	1.595	14	4.038
3	1.755	15	4.271
4	1.930	16	4.508
5	2.115	17	4.748
6	2.308	18	4.991
7	2.510	19	5.238
8	2.716	20	5.488
9	2.926	21	5.741
10	3.140	22	5.998
11	3.358		

«Туркистон» саройида Ўзбекистон — Туркия тadbirkorлари уюшмасининг ташқил топганининг бир йиллигига ҳамда Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирелнинг ташрифидан кейинги муносабатлар хусусида кеча бўлиб ўтди.

Бу кечанинг «Абадий дўстлик» деб номланиши замирида, икки давлатнинг юртбошилари яқиндагина бўлиб ўтган учрашувда «Абадий дўстлик» шартномаларини имзолагани ётади. Мана шу шартнома асосида тadbirkorларнинг ўзаро бўлиб турадиган учрашувлари, кечалари ҳам «Абадий дўстлик»ка айланиши назарда тутилган.

Кечада Ўзбекистон—Туркия тadbirkorлар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси раисининг ўринбосари Миръзам Мирсоатов, уюшманинг бош директори Жамол Ҳамараттурк ва бошқа тadbirkorлар сўзга чиқишди. Улар Ўзбекистонда тadbirkorлик ишларини ривожлантириш борасида барча қулайликлар мавжудлигини, бирга ишлаётган маҳаллий ишчиларнинг меҳнатсеварлигидан мамнун эканликларини ифода этдилар.

Уюшманинг бош директори Жамол Ҳамараттурк биз билан суҳбатда жумладан шундай деди:

— Икки давлатнинг муштарак мақсади битта. У ҳам бўлса барча соҳада бўлгани сингари, тadbirkorлик, кичик ва ўрта бизнеси ривожлантириш, иқтисодийни юксал-

равнақи учун баҳш этишга доимо ҳозирдирлар.

Ушма аъзолари томонидан бир қанча ишларни амалга оширишни режалаштириб қўйдик. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан Туркия ҳафталиги ўтказиладиган ҳамда туркиялик ишбилармонларнинг бу ерда амалга оширган ишлари ва ишлаб чиқараётган ҳалқ истеъмолчи буюмларидан тарқиб топган кўрғазма ташқил этилади. Шунингдек, биз 15 августга қадар болаларнинг расмий маҳоратларини ривожлантириш мақсадида ёш мусаввирлар кўрик-танловини эълон қилган-миз. Кўрик-танлов якунлангандан сўнг, танловга қўйилган расмларнинг кимосиди савдоси бўлиб ўтади. Савдодан олинган фойда «Соғлом авлод учун» жағмармаси ҳисобига ўтказилади.

Гуляода АБДУЛЛА қизил.

ТАДБИРКОРЛАР КЕЧАСИ

Ўзбекистон — Туркия тadbirkorлар уюшмасига дастлаб 20 нафар ишбилармон аъзо бўлган эди. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 100 тага яқинлашиб қолди. Бундан кўриниб турибдики, кейинги вақтда тadbirkorлик ишимиз янада илгари одим отди. Туркиядан келган барча ишбилармонлар ўз тажрибаларини ўзбек юртининг

давомида ортирган тажрибаларимиз орқали Ўзбекистонда кичик корхоналар барпо этиб, унда маҳсулотлар ишлаб чиқариб икки бозорни ва ҳалқ эҳтиёжини қондиришдан иборат.

1995 йилда ташқил топган

ЁШЛАР САЙПИГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жағмармаси ўз фаолияти билан ёшлар ҳаётида тобора сезиларли ўрин эгалламоқда. Негаки, хозирги Ёшлар ташқил қилуварида «Камолот» жағмармаси ёшларнинг талаб ва истакларига мос тadbirkorларнинг асосий ҳоми ва ташқил қилуварида катта ишларни амалга оширмоқда.

25 июль куни Тошкент шаҳар «Камолот» жағмармасининг ташаббуси билан Мирзо Улуғбек боғида шаҳар ёшларининг сайли ва таниқли санъаткорлар билан учрашуви ўтказилди. Ушбу маданий тadbirkor уюштиришдан асосий мақсад — шаҳар «Камолот» жағмармаси ва унинг туманларидаги бўлимларини шаҳар ёшлари билан таништириш, уларга жағмарманнинг мақсад ва вазифалари ҳақида кенгрок тушуنча беришдан иборатдир. Шунингдек, ёш истеъдодларни аниқлаш, уларнинг маданий савияларини янада ўстириш, қолаверса, ушба тadbirkor баҳонасида ёзга таътилдаги бўш вақтларини қўнғилли ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Уша кунни кўпгина совимли эстрада хонандалари, даста ва оммавий гуруҳлар, таниқли сўз усталари ёшлар хизматига бўлидилар. Гавжум рақс майдонлари, салқин ичимликлар савдоси ва арғимчоқлар хизмати сайилга ҳақиқий байрамона тус берди.

САНЪАТКОР ХОТИРАСИ

«Турон» маҳалласидаги 43-мактаб биносиди Ўзбекистон телевидениекомпанияси ва Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ артисти, республика радиосининг моҳир суҳбатчиси Қодир Маҳсумов хотирасига бағишланган тadbirkor ўтказилди.

Тadbirkor телевидениекомпанияси раисининг ўринбосари А. Кўчимов, Ўзбекистон халқ артисти, устоз суҳбатчиси К. Тожиёв, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Қурбонов, «Турон» маҳалласи оқсоқоли Н. Алиқориев, ёш суҳбатдорлардан Д. Бобохонвалар сўзга чиқишди. Қодир Маҳсумов ажойиб камтар, ҳокисор инсонлардан бири эканлиги хусусида ҳамда суҳбатдорликни юксак санъат даражасига кўтаргани, моҳир мураббийлиги ҳақида самимий фикр билдирдилар.

Шунингдек, бу тadbirkorда пойтахтимизнинг қоқ маркази-

да жойлашган «Турон» маҳалласи кўчаларидан бирига Қодир Маҳсумов номи берилганлигини эълон қилиниши суҳбатдор муҳлисиди — халқимизнинг фарзандига бўлган меҳор-қўбатиининг эркин бир рамзи бўлди.

Хотира тadbirkorда қадимги урф-одад ва удуларимизга амал қилиб, файали дастурхон атрофида йилгилан юртдошларимизга ош тортилди.

Баҳодир ВАЛИЕВ.

Олимпиада кундалиги

БИРИНЧИ КУМУШ МЕДАЛЬ

100
Atlanta 1996

Олис Атлантадан қувончли хабар олинди. Тошкентлик 24 ёшли дзюдочи Армен Богдасаров XXVI Ёзги олимпиада уйинларининг кумуш медали совриндори бўлди.

Бу муваффақият Армениянинг спортдаги биринчи ютуғи эмас. У Осиё чемпионатининг бронза медали совриндори ҳамдир. Аммо Олимпиадада эришган ғалабаси унинг ҳаётидаги энг эркин зафарлардан бири

12-натижани кўрсатди. Бокс. Дилшод Ербеков, Улуғбек Иброҳимов ва Наринюк Отаевлар дастлабки ғалабаларни қўлга киритдилар.

Сузши. 4x200 метрга эстафеталик сузшида республикамиз вакиллари — Олег Пухнатий, Дмитрий Панков, Александр Агафонов ва Сергей Клешко 12-ўринни эгалладилар.

Оғир атлетика. Штанганимиз Виктор Янскый (54 кг) 14-ўринни олди.

Спорт гимнастикаси. Оксана Чусовитина кўпқурашнинг мажбурий дастури бўйича 103 спортчи ўртасида 21-натижани кўрсатди. Асосий курашлар эса ҳали олдинда.

Безрад ЭТАМОВ.



ТОМОРҚА

Мевали дарахтни пайванд қилишнинг дунёда 150 дан ортқ тури мавжуд. Шулардан иккитаси бизнинг ўлкамизда қўлланади. Булар — искана пайванд ва куртак пайванд, ёки у барг пайванд ҳам дейилади.

Искана пайванд айни баҳор кунларида қилинса, куртак пайванд эзда — 15 июлдан сентябрь ойининг бошларига-ча ўтказилади. Хозир худди ана шу куртак пайванд даври бошланди. Уни қандай ўтказиш хусусида Нисомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг ўқитувчиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзооди Дўстмурод Бокиев куйидагича тушунтириш беради.

— Мевали дарахт шохини пайванд қилишдан асл мақсад янги нав яратиш эмас, балки ўша нави янгилашдир. Бунда қўпчиноқ қариб қолган дарахт шохига ёш новда пайванд қилинади. Масалан, тут дарахтига шотутни пайванд қилмоқчисиз. Хозирда шотут новдаларига эътибор қилсангиз, уларда куртаклар ва ҳар бир куртак ёнда баргчалар бор. Ана шу куртак новдани пичоқ ёрдамида ўйиб олинади, бунда ўйиб олиш новданинг куртак жойлашган қисмидан 2 — 3 сантиметр юқоридан бошланиб, куртакдан худди шунча масофа пастда тўхтатилиши керак. Куртак ёндаги баргчанинг юқори қисми чилиб ташланади.

Энди пайвантаг, яъни тутнинг пайванд қилинадиган новдасининг пўстлоғи «Т» шаклида тилинади ва ҳосил бўлган «чўнтак»га шотутнинг ўйиб олишдан куртагининг таг қисми киритилади. Қарабсизки, тут новдасида шотут куртаги пайдо бўлади. Новданинг пайванд қилинган қисми мато ёки дарахт пўстлоғи билан ўраб қўйилади ва ҳар кун икки кечки пайт бу жойга сув пурқаб турилади.

Шотутнинг куртаги тут новдасининг қуёш ботиш томонга қараган қисмига пайванд қилиниши лозим, акс ҳолда эрталабки қуёш нурлари куртадаги намликни парлатиб юборади. Пайвандлаш ўтказилган куртак ёндаги баргчага эътибор бериб туриш керак. Агар баргча сўлиб қолса, демак, пайванд амалга ошмади, агар баргча яшнаб кетса, мақсадга эришилган ҳисобланади. Сўнгра куртак ўсиб, улғайиб новдага айланади. Тут новдасининг куртадан юқори қисми эса кесиб ташланади. Дарвоқе, пичоқни ишлатишдан аввал уни формалин суюқлигига ботириб олишни унутмаслик лозим, акс ҳолда новдаларнинг очилган қисмига инфекция тушиши эҳтимол.

Куртак пайванд бошқа мевали дарахтларда ҳам ўтказилиши мумкин. Масалан, гилосни олчага ёки олманинг исталган турини исталган турига ва ҳоказо. Бунда пайванд қилинаётган дарахтлар бир оилага мансуб бўлиши керак. Куртак қайси дарахтни бўлса, пайвандлаш натижасида ўша дарахт меваси олинади. Яъни, масалан, оқ олманинг учта новдасига уч хил нав пайванд этилса, бир дарахтда олманинг уч нави ҳосил беради.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

Сабзавот ва экинларнинг ҳосилдорлигини оширишда сугоришнинг аҳамияти ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Лекин чилла сувининг аҳамиятини ҳар бил ҳам билвермас керак.

САРАТОНДАГИ ЭКИН

Шу кунларда борлиқ қуёш ҳароратидан айни қизитган паллада. Мана бир неча кундан бери ўлкамизда саратон ҳукм сурмоқда. Киши баҳорда толиқиб, дармондориларга қанчалик эҳтибэ сезса, экинларга ҳам чилла суви шунчалик зарур. Чилла даврида экинларни камиди икки-уч марта асосан кечки салқинда қондириб сугорган маъқул. Кечаси билан оби-ҳаётдан роса тўйиб ичган помидор, баклажон, қалампир, бодринг ва бошқа экинлар эрталабга бориб жонланиб, яшнаб кетади. Саратон офтоби жамикки экинларни қулф урдиради. Танасига синган фойдали ҳарорат ҳосил тақдирини ҳал этади, салмоқдор қилди. Узум, қовун-тарвузаларнинг ширинлиги ошади. Баҳорда ўтказилган дарахтлар, ток қўчаларининг тақдирини, яъни ҳосилдорлигининг ошиши мана шу даврда ҳал бўлади. Ота-боболаримиз «Саратонда экиндан ҳол сўр, кузга бориб баракали хирмон кўр», «Саратонда ток сугорса сохибқор, узуми олдиде асал ҳам бекор», — каби нақлларни беҳиз айтиб ўтишмаган.

Абдураезқо ҚОДИРОВ, ҳаваскор боғбон.

Мутахассис тушунтиради

ШИРАДОР УЗУМЛАР

Хозирги пайтда узумнинг қора кишмиш, чарос каби ўртапишар навларига ранг кириб, қанд моддаси йиғила бошлаётган пайт. Кечлишар навлари эса аста-секин катталлашиб, ранг кириш арафасида.

Бугунги чилла иссиғида ер қатламларининг намлиги етарли бўлишини таъминлаш зарур. Экиннинг иккинчи ярмида намлик миқдори 55-60 фоиз (сув сизғимига нисбатан)ни ташкил этиши лозим. Август ойи бошларида кенг пишадиган узум гўжумларида ўзига хос ранг пайдо бўла бошлади. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, узум бошларини ҳаддан ташқари яланғочлаб қўймаслик керак. Акс ҳолда қуёш нури таъсирида узум гўжумларини жароҳатлантриб қўйиш мумкин.

Маълумки, кечпишар узум бошларининг рангдор бўлиб, пишиб этилиши учун ҳаддан ташқари шапалоқ отиб кетган эски барг ва орткича навдалар олиб ташланади. Бу жараён одатда ҳосили қишга сақланадиган узумзорда ўтказилади. Хозирдан бошлаб узум сақланадиган хоналарни тозаллаб, дезинфекция қилиб қўйиш зарур.

Мирвоҳид СОБИРОВ, қишлоқ хўжалик фанлари номзооди.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ TOSHKENT OQSHOMI

Рўқиядан унш тўртба: №10, 4 Бувоғизга Г'0366. Ҳажми — 2 босма тибок офсет усулида босилади. Қўлог бичини А-2 «Шар» нашрият матбаасига берилган.

Шахсий тажрибадан ПЛАСТМАССА ИДИШЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

Маълумки, ёзининг жазирама кунларида томорқа юмушлари ичида энг асосийси экинларни сув билан таъминлашдир. Лекин иссиқ ҳароратли дамларда ўсимлик илдизига қўйилган сув узоқ сақланмай парланиб кетади, шунинг учун уларни уч кунда бир ёки қунора сугоришга тўғри келади. Бу юмуш тез-тез хизмат сафарига чиқувчи, яъни уйда мунтазам бўлмайдиган одамлар учун мушкуллик туғдириши табиий. Акмал Икромов тумани Раҳимбобоев кўчаси 10-уй, 27-хонадонда истикомат қилувчи Хусан ота Маҳжамов бундай муаммонинг яхши ечимини топган.

— Олтита ариққа бўлғор қалампирни экканман, — дейди Хусан ота Маҳжамов. — Дала ҳовлимизда ҳам катта экинзоримиз бор. Шу сабабли бу ердаги қалампирлар аксарит ҳолларда сувсиз қолиб кетади. Бир кун уларни сугора туриб, ҳар сувини захираси билан бериб қўйиш лозимлигини ўйлаб қолдим. Хозирги пайтда тижорат дўконларида сотилаётган турли ичимликлардан бўшган пластмасса идишлардан бир қанчасини топиб, уларнинг остки қисмидан 3-5 миллиметр ҳажмида тешик очдим ва ҳар икки кўчар оралиғида биттадан қўйиб чиқдим. Ҳар са-

фар қўчаларни сугориб бўлгач, ерга қўйилган идишларни ҳам сувга тўлдириб, озини маҳкамлаб қўяман. Намлик идиш тағидида тешик орқали аста-секин илдизларга бориб етаверади. Сувнинг ана шундай захираси иккита одатдаги сугоришнинг ўрнини босади. Ерга меҳри баянда, экин-тикинсиз яшолмайдиган ҳам-шаҳарларимиз орасида ҳали ҳеч ким қўллаб қўрмаган тажрибаларга ўз таътирликларини, тадбиркорликларини билан амал қилаётганлар кўп албатта. Бундай тажрибаларни ушбу саҳифамиз орқали бошқаларга ҳам ёйилишини истаб, мактублар қўтиб қоламиз.



Помидор ҳосили мўл бўлди. Рашид Галиев олган сурат.

Сураган эдингиз... УСИМЛИКНИНГ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИГИ

Ёш ойларида баъзи бир дарахт ва экинларимиз турли касалликларга чалиниб қўриб бошлайди. Шу касалликларга қарши курашиш чоралари ҳақида маълумот берсангиз.

Омонулла ҚАРИМОВ, Шайхонтоҳур тумани, пенсионер.

Янги экилган сабзавот ва қўчаларни микробларнинг туфайли турли касалликларга тез чалинади. Бундай ҳолларда хасталаган ўсимликка қимевий вогситалар ёрдамида ишлов берилади, хусусан олтингугурт қуқули билан чанглатилади. Қарам, шолмо, турп, редисқаларнинг энг хавфли касаллиги килза ҳисобланади. У бир турдаги экинни бир неча йил кетма-кет бир жойнинг ўзида экилишдан ҳосил бўлади. Касалликка қарши курашиш учун тупроққа озгина оҳақ ёки ўтин қули ишлатиш яхши фойда беради.

Сабзавот экинларига шиллиқуртлар ҳам анча зарар етказиши мумкин. Касалликка қарши курашиш учун тупроққа озгина оҳақ ёки ўтин қули ишлатиш яхши фойда беради. Сабзавот экинларига шиллиқуртлар ҳам анча зарар етказиши мумкин. Касалликка қарши курашиш учун тупроққа озгина оҳақ ёки ўтин қули ишлатиш яхши фойда беради.

Оқила РАИМОВА.

Бу — қизик

МУСИҚАСЕВАР... МЕВАЛАР

Сабзавот ва мевалар ҳам музикани хуш кўради экан. Буни япониялик олимлар аниқлашди. Уларнинг фикрича музика натижасида ҳосил бўлган титраш бағрларнинг орқа томондаги қовқаллар конгайишига кўмаклашар экан. Бунда бағрлар кислородни яхши ўзлаштирилади, сувдан тўйимли моддаларни олиш ҳам яхшиланади, фотосинтез жараёни кучаяди.

Ямағата шаҳридаги аудиолектрон техника жиҳозлари ишлаб чиқарувчи фирмалардан бирининг ходимлари кўп йиллардан бери шу соҳада тадқиқотлар олиб бораётдилар. Бу ерда музикага қўшимча равишда сабзавотни тупроқсиз етиштиришда гидропоник суюқликни оҳангроблаштириш мумкин. Бу ҳам уларнинг ўсишига кўмаклашмоқда. Тажрибалардан шу нарс исбот қилиндики, музика «ёрдамга келганда» ҳосилнинг этилиш вақти қисқаради, ҳосилдорлик эса 30 фоизга кўпаяди. Шунини қизикчи, сабзавот ва мевалар мўмтоз музикаларни кўпроқ ёқтиришар экан, деб хабар беради «Япония сурати» журнали. Доно АҲМЕДОВА.

Шахмат ҳангомалари ТАМОМИЙ ШИРИНСУХАНЛАР БЎЛДИЛАР ПАЙДО

Билмайман, бу иборани дастлаб ким ўйлаб топган-у, лекин уни кўпроқ марҳум отахон шахматчиларимиздан Абдор ака Қошипов тилга олди. Биринчи бор қирқ йилча муқаддам эшитганман: Шайхонтоҳур дарвозасининг қаршида пасткам бир чойхона бўларди. Чойхоначи ҳам шинаванда киши бўлиб, баъзан ҳаддан ташқари қўлайиб кетганимизда қойиб қўйсада, қўпчиноқ доимий миқозларини «Марҳамат!» деб қўтиб олларди.

...Шахмат тахтаси устида қизгин жанг давом этапти. Галма-галдан ҳужум-у, мудофаалардан сўнг бир томонда от, фил, иккинчисида эса биттагина пиёда фарзин бўлман, деб турибди. Қани энди уни тутиб бўлса?! Шунда Абдор аканинг нафис маҳоратига махлиб бўлганларнинг қулгоғига «Тамомий ширинсуханлар бўлдилар пайдо» деган мисра чалинди.

Бундай ўзига хос суҳбатларни сеvimли шоиримиз Уйғун ака, машҳур артистларимиз Етим Бобоқонов, Сайфи қори Олимов, Зикриё домла Мирҳожиевлар жуда қизитишарди.

ҚАТИҚ БОЗОРИГА ДАЛПОЛ-А!

Хурматли устоз Мирсоли аълам жуда антиқа киши эди. Айниқса ёшлардан тараф чиқиб қолса борми, икки қўллаб дон теришга тушарди. Биз у кишидан шахмат сирларини ўрганиш билан бирга ҳар бир учрашувини мароқ билан эслаб юрардик. Қизик гапларни дўндириб, «чопон қилиб кийгизиб» қўярди. Ўз қурамалари даврасида айниқса очилиб кетарди...

— Ана, ота, бизнинг «матқоп» ҳам келиб қолдилар, — деди ўйин навбатини қўтиб ўтирган Насриддин ака.

Эшикда аълам қўриниши билан ҳамманинг юзига табасум йўғалади.

— Кечаги «панжара-гулчин» мотлардан кейин ҳам «шоҳ»ингиз синмаган эканда?! — Эски харифининг оғзидан олиб, ёқасига ёпиштирди аълам.

Ўтирганлар чойхонани бошларига қўтариб қулишди. Айтиб бўлмайди-ю, кўнгуллари яна «мот» тусабтган қўринади, бу гал энди тақсиримни ит олган тулкидек юлқиб ташлаганим бўлсин!

Навбатни «қушанда»ларга беришди. Шитоб билан қилинаётган юришларга яраша рақиблар бурролик билан сўзлар айтиб туришибди. Қайси бири жимиб қолса, билгинки, ўйини ёмон!

Насриддин ака шу қўйга тушиб қолди. Бундай қарасак, аъламнинг икки оти қора шохни юрмаганига қўймай «майдо»нинг ўртасига тортиқлаяпти, яна икки юришдан кейин ҳаммининг қўзида усал бўладиган, шу орада аъламнинг: — Мот-а, қатиқ бозорида даллол-а! — деганини эшитиб қолдик.

Қатиқ бозорида-ку, даллол бўлмайди, мабодо бўлган тақдирда иш йўқлигидан ўртада саррайиб, юк излаган ҳаммолнинг ўзи бўлади. Мот бўлганга нисбатан аъламнинг топган ўқшатишини қаранг-а!

КИШТ. ХОНИМ!

84 йил умр кўрган машҳур инглиз шахматчиси Блекберн ўтган асрнинг иккинчи ярмида жаҳон биринчилигига асосий талабгорлардан бири бўлган, ажойиб комбинациялари билан донг таратган эди.

Блекберн тахтага қарамой ўйнайвериш, мия чарноғи туфайли «вас-вас» касалига мубтало бўлиб қолди. Назарида ер юзи шахмат тахтасига айлиб, ўзини эса ҳар хил донлар қиёфасида сеза бошлади. Қунарлигини берида у нотаниш бир жаҳонбинг қўлини маҳкам тутиб: — Юришингиз бемаънроқ, тўрт юришда мот қиламан! — деб бақиради.

Яна у бир сафар нотаниш хонимга қараб: — Кишт, маликам! — деб ўтакасини ёради.

«Яхшиямки, — деб ёзади ана шу мия чалишлари ҳақидаги мақоласида Блекберн, — бирор марта ҳам ўзимни от қиёфасида тасаввур этмабман.»

Жаҳон чемпиони Ласкер Бостонда бир неча тахтада бир йўла шахмат ўйнаётганида бир шахматчининг аҳоли жуда танг бўлиб қолди. Лекин у буш келмай: «Дурангга қалайси, доктор?» — деди олдига келган жаҳон чемпиони. Унинг ишонч билан гапириши Ласкерга ёқиб тушди-да, қулиб дурангга рози бўлди. — «Аттанг, унга таслим бўл, десам бўлар экан», деб афсусланди ўзига бино қўйган шахматчи.

Мамажон МУХИДДИНОВ, тарих фанлари номзооди, спорт устаси.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

TOHKENT OQSHOMI advertisement with contact information and a graphic of a building.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ЛОБАР ҚИЗЛАР!

АГАР СИЗ ТИКУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭЪАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ХОТИН-ҚИЗЛАР МОДАЛИ КИЙИМЛАРИНИ БИЧИШ ВА ТИКИШ, КИЙИМЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ, *МОДЕЛЛАШТИРИШ, МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ СИРЛАРИНИ ЭЪАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазиригининг

РЕСПУБЛИКА УҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА ҚИРИНГ!

ЎҚИШГА 9 ВА 11-СИНФНИ ТУГАТГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9-синфни битирганлар 2 йил ўқийдилар. Улар ҳар ойда 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия олади-лар.

11-синфни битирганлар эса 1 йил ўқийдилар ва ҳар ойда уларга 750 сўмдан 950 сўмгача стипендия берилади.

Ўқув ишлаб чиқариш марказини битирганлар эъаллаган касби бўйича малака разряди ва диплом олади-лар.

Улар ширкатлар, ижара, хўжалик ҳисобидидаги қўшма ва давлат корхоналарида ишлаш имкониятларига эга бўлади-лар.

Биздаги пуллик 7 ойлик курслар қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: конструктор-модельерлар, хотин-қизлар модалари кийимларини тикувчи уста, машинада кашта тикиш асосларида тикувчи-модельер, ишбилармон.

ЎЗ ИМКОНИЯТЛАРИНГИЗИНИ БОЙ БЕРМАНГ! Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўқув ишлаб чиқариш маркази бош раҳбари номига ариза, туғилганиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 см), танлаган касби бўйича шуғулланиши мумкинлиги ёзиб кўрсатилган тиббий маълумотнома (086/У).

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, М. Миродилов кўчаси, 68-уй (38, 58, 67, 3-автбуслар, 4, 7, 9, 24, 28-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати).

ТЕЛЕФОНЛАР: 55-78-28, 55-78-30, 55-78-32.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Сиз фарзандларингизнинг келажакдаги ўқиш ва касб-хуна эъаллаш масаласини хал қилдингизми?

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКА ЛИЦЕЙИ

9-11 синфларни битирганларни қуйидаги касблар бўйича ўқишга тақлиф қилади 9-11 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭЪА БЎЛГАНЛАР УЧУН:

уқиш аппаратларини йиғувчи чилангар, (ўқиш муддати 3 йил);

фрезерчи, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (лицей гуруҳининг 1 погонаси, ўқиш муддати 2 йил);

контроль-ўлчов асбоблари ва автоматикани таъмирлаш бўйича чилангар, электромонтёр (ўқиш муддати 3 йил);

механика-йиғув ишлари бўйича чилангар, авточилангар (ўқиш муддати 2 йил);

кенг тармоқли дастгоҳчи (ўқиш муддати 3 йил); сантехника чилангари, газ пайвандчи (ўқиш муддати 3 йил);

кенг ассортиментдаги кийимлар тикувчиси (ўқиш муддати 2 йил);

ЭХМ оператори (инглиз тилини ўрганиш билан ўқиш муддати 3 йил).

11-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭЪА БЎЛГАНЛАР УЧУН:

йиғувчи-парчинловчи токарь-фрезерчи (ўқиш муддати 6 ой);

рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар созловчиси (ўқиш муддати 1 йил);

рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар оператори (ўқиш муддати 1 йил);

бухгалтер (ЭХМларда ишлашни ўргатиш билан ўқиш муддати 1 йил);

Армия сафида хизматни тугатиб, бошқа шаҳардан келган ёшлар ётоқхона билан таъминланадиган.

Ўқувчиларга ойига 734 сўмдан 916 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш муддати иш стажига киради. ҲУЖАТЛАРНИ ТОПШИРИШГА ШОШИЛИНГ!

Мурожаат учун телефонлар: 96-58-20, 96-39-72. БИЗИНГ МАНЗИЛГОҲ: Паркент кўчаси 331-уй (6, 29-трамвайлар, 30, 110, 119, 161-автбусларнинг «С. И. Кадиев» номи авиатехника лицейи» бекати.

«ТОШҚИШЛОҚМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

НИССИҚҚУПДАГИ «ЮБИПЕЙ» ПАНСИОНАТИГА

1996 йил 21, 24, 27, 30 июлдан бошлаб ДАМ ОЛИШ УЧУН йўЛЛАНМАЛАР

СОТАДИ Дам олиш муддати — 12 кун. Йўлланма баҳоси — 4800 сўм. Қофортабелли автобуслар 1550 сўмга олиб бориб, сўнгра қайтариб олиб келади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 33-52-37, 36-10-64, 36-15-96.

Тошкент шаҳар 63-мактаб томонидан Азатов Шерзод Маратович номига 1996 йилда берилган USI 317381 - рақамли гувоҳнома йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Advertisement for a post office branch with contact information and a graphic of a building.

Footer with contact information for Tohkent Oqshomi, including phone numbers and addresses.